

## **А Ж Р И М**

(*ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида*)

2022 йил декабрь ойининг 21 куни жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида, раислик қилувчи судья С.Болтаев, судья ёрдамчиси А.Қиличбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Р.Икромов, судланувчи Б.Турдиев, жабрланувчи Э.Махманийёзов, фуқаровий даъвогар А.Олимжановнинг иштирокида, Турдиев Бекзод Нормурод ўғлига нисбатан

1-2202-2202/372-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Турдиев Бекзод Нормурод ўғли (Turdiyev Bekzod Normurod o`g`li) 1997 йил 8 июнь куни Қашқадарё вилояти Косон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, малумоти ўрта-махсус, яқка тартибдаги тадбиркор, муқаддам судланмаган, оилали, 1 нафар фарзанди бор, иш бўйича 2022 йил 22 ноябрда “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, Навоий шаҳар Низомий кўчаси, 4Б-уй, 39-хонадонда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавfli қилмишни содир қилганликда айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини эшитиб, уларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

## **А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи Б.Турдиев, 2022 йил 28 сентябрь куни соат 20:40да ўзининг бошқарувидаги давлат рақам белгиси 01 957 СА бўлган “Кавасаки монстер” русумли, мототсиклида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳеч қандай ҳужжатларсиз, Навоий шаҳар, Жанубий кўчасидан ўтувчи автомобил йўли бўйлаб, “Гулистон” бозори томондан “Спутник” кўрғони томонга ҳаракатланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қридаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172 сонли қарори 2-бандида “Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган”лиги 7-бандида “Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини, унинг талонини (ески намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлса), ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда олиб қўйилган ҳолларда вақтинча



рухсатномани, транспорт воситасини (мопеддан ташқари), мавжуд бўлганда тиркамани рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги гувоҳномани, транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини (электрон кўринишда ҳам бўлиши мумкин) ёнида олиб юриши ва ИИО ходимлари талаб қилганда уларга текшириш учун бериши шартлиги” 53 бандида “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, манёвр қилиш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги кераклиги”

73 бандида “Ҳайдовчи ўздан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганда, тўқнашиб кетмаслик қафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши керак”лиги, 77 бандида “Ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса,

у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак.”лиги

82-бандида “Қувиб ўтишни бошлашдан олдин ҳайдовчи чапга бурилишни билдирувчи ишорасини ёқиб, олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси қувиб ўтиш, чапга бурилиш (қайта тизилиш) ишорасини бермаётганлигига ишонч ҳосил қилиши” 83-бандида “Бир йўналишда ҳаракатланаётган рельсиз транспорт воситаларини ҳар икки томонидан ўзиб кетишга рухсат берилди. Бироқ чапга бурилиш ишорасини бериб, бурилишга киришган транспорт воситасини ўзиб кетиш ўнг томондан амалга оширилиши” белгилаб қўйилган бўлишига қарамай, йўл ҳаракати қоидаларини менсимасдан, қўпол равишда бузиб, Жанубий кўчаси НДПИ математика ва физика факультети биноси ёнидан рухсат этилган жойдан А.Олимжанов ўз бошқарувидаги давлат рақам белгиси 85 С 178 ЖА бўлган “Жентра” русумли автомашинасида чапга қайрилишни амалга ошираётганлиги ҳолатига эътибор бермасдан йўлнинг қарама-қарши бўлагидан қувиб ўтишни амалга ошириши натижасида тўқнашиб йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, ўзининг бошқарувидаги мототсиклда йўловчи сифатида келаётган Е.Махманиёзовга РСТЕИАМ Навоий филиалининг 2022 й 26 октябрдаги №2132/155-сонли тиббий экспертизаси юсасига кўра, “ўртача оғирликдаги тан жароҳати”ни етказган.



Ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Б.Турдиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланиб судга берилган.

Судда, жабрланувчи Э.Махманиёзов ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, ундан судланувчи Б.Турдиев кечирим сўрагани, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, ўзаро ярашгани, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, суд ярашувни тасдиқласа иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунарли эканини билдириб, Б.Турдиевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда, фуқаровий даъвогар А.Олимжанов ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, ундан судланувчи Б.Турдиев кечирим сўрагани, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, ўзаро ярашгани, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, суд ярашувни тасдиқласа иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунарли эканини билдириб, Б.Турдиевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда, судланувчи Б.Турдиев, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи Э.Махманиёзов, фуқаровий даъвогар А.Олимжанов билан ўзаро ярашгани ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини билдириб, ўзига оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг

266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Э.Махманиёзов, фуқаровий даъвогар А.Олимжанов ва судланувчи Б.Турдиевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Р.Икромовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчининг айбига иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ҳамда судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ҳамда судланувчи хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Турдиев Бекзод Нормурод ўғлига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Махманиёзов Элбекжон Уктам ўғли, фуқаровий даъвогар Олимжанов Асадбек Умид ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисидаги



илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи Турдиев Бекзод Нормурод ўғли (Turdiyev Bekzod Normurod o'g'li)га оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси

4-қисми ва ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан, уларнинг айблилик ҳақида масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач Б.Турдиевга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Э.Махманиёзов, фуқаровий даъвогар А.Олимжановга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича етказилган зарар қопланганлиги эътироф этилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач Турдиев Бекзод Нормурод ўғлининг номига берилган АД 480875-рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда 3836875-рақамли талони Б.Турдиевга қайтарилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 (бир) дона DVD диск жиноят иши материалларига қўшиб сақлансин.

Ажримдан норози томонлар 20 сутка ичида Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест келтиришлари мумкин.

**Раислик қилувчи:**  
**С.Болтаев**

(имзо)

*Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья;*



**Маъсул судья: Болтаев Суннатжон Музаффарович**



Хужжат имзоланган: Болтаев Суннатжон Музаффарович, 20.02.2023

